

# **15-октябрь - Халқаро қишлоқ аёллари куни | Аёллар учун байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда**



БМТ Баш Ассамблеясининг 2007 йил 18 декабрдаги “Қишлоқ ҳудудларида аёлларнинг аҳволини яхшилаш” тұғрисидаги резолюциясига асосан 15 октябрь - Халқаро қишлоқ аёллари куни деб эълон қилинган.

Сана муносабати билан Термиз тумани Оила ва хотин-қызларни қўллаб-куватлаш бўлими ва туман Мактабгача таълим бўлими ҳамкорликда соҳада меҳнат қилаётган аёллар учун концерт дастурлари ҳамда турли кўрик-танловларни ташкид этди.

Туман Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган тадбирда аёллар ўртасида турли шартлар асосида қизиқарли беллашувлар, сахна кўринишлари ва мактаб санъаткорлари ҳамда ижодкор ўқувчилари томонидан турли куй-қўшиқлар ижро этилган. Янграган шўх куй-қўшиқлар тадбир иштирокчиларининг ўйин-кулгуларига уланди.

Кўрик-танловда фаол иштирок этган ва ғолибликни қўлга киритган хотин-қызлар ташкилотчиларнинг совғалари ҳамда фахрий ёрлиқларини билан тақдирланишиди.